



**БЮДЖЕТ ИСТЕММОЛЧИЛАРИ  
УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ  
ТАЪМИНОТИ**

**ШАРТНОМАСИ**

“Самарқанд ҲЭТК” - 2020 йил

# ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

20 йил “24” маънор 1031 - сонли

“Корхона” иш  
(шартнома тузилган жойи)

Раммекурсан шахсар таъминоти беради  
(Электр энергияси билан таъминловчи ташкилот номи)

(кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) нинг низами  
асосида фаолият юритувчи раҳбари Махкамасини Ҳ.Б. бир  
тарафдан ва 5-ёрганин маҳсус мажбӯрият  
(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг низами  
асосида фаолият юритувчи раҳбари Ш. Абдигулов,  
иккинчи тарафдан тизимдаги шахсий ҳисоб варагаси - 251031, ушбу  
шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона Истеъмолчига уланган электр  
тармоқлари орқали Электр энергиясини (кейинги ўринларда “Энергия” деб  
юритилади) етказиб бериш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган  
Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган саноат ва уларга  
тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна аввалдан  
буортма берилган ёки ягона электр энергетика тизимининг максимум  
юкламали соатларида қатнашувчи амалдаги максимал ҳар бир кВт кувват  
(кейинчалик “Кувват”) учун ҳам ҳақ тўлайдилар.

## II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми  
30000 кВт.с.ни ташкил қиласи.

2.2 Етказиб бериладиган Энергиянинг шартнома тузилган кундаги  
амалда бўлган тариф бўйича умумий нархи 13500000 сўмни,  
Кувватнинг нархи 450 сўмни ташкил этади.

2.3 Истеъмолчига етказиб бериладиган Энергиянинг ойма-ой бўлинган  
йиллик ҳажми ва аввалдан буортма берилган Кувват ушбу шартноманинг  
1-иловасида кўрсатилган.

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия  
(Кувват) миқдори Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш приборлари  
кўрсаткичлари асосида аниқланади (2-илова).

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил  
24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги “Табиий монополиялар

субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар” учун етказиб бериладиган Энергиянинг йиллик минимал ҳажми 30000 кВт.с.ни ташкил қиласди.

### III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчи ва Корхона ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган давр бир ойни ташкил этади.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив Энергия ҳамда Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасидаги ҳисобга олиш нуқталарида амалга оширилади (3-илова).

Агар Энергия(Қувват)ни ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисмидаги Энергиянинг технологик сарфи ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ёки Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3. Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда Энергия ва Қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўтсаткичларини қайд этади. Истеъмолчи томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича чопар орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этилган электр энергияси ва қуввати сарфи тўғрисидаги ҳисботот ҳам истеъмол қилинган электр энергияси ва қувватининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, Электр энергияси истеъмолини ҳисобга-олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизими мавжуд ҳолларда қувват учун ҳисоб-китоб, энерготизимнинг максимум юклама соатларидаги Истеъмолчининг максимум юкламасини ҳар ярим соатлик интервалларда бирлаштириб аниқлаш эвазига амалга оширилади.

3.4 Корхона ҳар ойда Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўтсаткичларини қайд этиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг завод рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган Энергия ҳажми тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисботни расмийлаштиради (5-илова).

3.5 Ҳисбот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчига ҳисоб-фактурани тақдим этади.

Истеъмолчидаги турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6 Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона Истеъмолчининг хизмат кўрсатувчи банкига акцептли тўлов талабномаси юборади.

3.7 Ҳисобга олишни назорат қилиш приборлари кўрсаткичлари ёзib олинмаган ёки Энергия (Кувват) сарфи тўғрисидаги ҳисобот шартномада белгиланган муддатда Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда Корхона томонидан Энергия (шу жумладан актив ва реактив энергия) ва Кувватни истеъмол қилишнинг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган давр учун Энергия (Куввати)ни истеъмол қилишнинг ўртача амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олишнинг назорат қилиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида ёзib олингандан кейин амалда истеъмол қилинган Энергия (Кувват) учун қайта ҳисоб-китоб қилинади, бу Истеъмолчи ёки унинг вакилининг иштирокида ёхуд иштирокисиз, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкга белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.8 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карори билан тасдиқланган “Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида”ги Низомга, Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Истеъмолчининг тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гурухлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланади.

3.9 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даври учун давр бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми қийматининг камида 50 фоизи учун ҳақ аванс тариқасида тўлангандан кейин амалга оширилади.

3.10 Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилган Энергия ва Кувват учун тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

3.11 Истеъмолчининг Энергия (Кувват) учун, шунингдек жарима санкциялари, реактив энергия ва қувват компенсацияси учун тарифга устамалар, ноқонуний фойдаланилган Энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

3.12 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга-олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш, олдиндан ҳак тўланган ҳажимда амалга оширилади.

3.13 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳак тўлайди.

Бунда тариф ўзгарган тақдирда, Истеъмолчи Энергия (актив, реактив энергия ҳам шу жумлага киради) ва Кувватнинг аванс билан тўланган ҳажми учун, бироқ тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ортиқ бўлмаган вақтда кўшимча тўловлар тўлашдан озод этилади.

3.14 Истеъмолчи томонидан тўловлар Корхонанинг барча турдаги банк ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш ёки амалдаги қонунчиликда рухсат этилган тартибда амалга оширилади.

3.15 Агар уланган қуввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчининг энергетика тизимини максимум юкламали соатларидаги юкламаси миқдорига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳак тўлайди.

3.16 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирма далолатномасини тузади.

Истеъмолчи солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, қарзни ундириш шартномавий ҳажмдан келиб чиқсан холда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли билан амалга оширилади.

3.17 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) ҳисоб-китоб даврида шартномавий ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

3.18 Тўлов хужжатларида хатолар, ҳамда ҳисобга олиш приборларида носозликлар ёки кўрсатгичларида ноаниқликлар аниқланган тақдирда, Истеъмолчи Корхонага дарҳол мурожаат қилиш керак.

Корхона, Истемолчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисобга олиш приборини кўрикдан ўтказиши керак.

3.19 Энергияни ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб Корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртacha суткали сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткали сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойидан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар ҳисобга олиш приборини, объектив сабабларига кўра, кўрсатилган муддатда (ток трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўклиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, Истеъмолчига етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати Истеъмолчи ва Корхонанинг икки томонлама битими билан белгиланиши керак.

3.20 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), ҳисобга олиш приборини уланиш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташкари электр кабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, Корхона далолатнома асосида Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ноқонуний истеъмол қилинган Энергия сарфи ўрнатилган тартибда аникланади.

Ноқонуний фойдаланилган Энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш Корхона томонидан, Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида белгиланган тартибда, мазкур Қоидалар бузилишига йўл қўйган Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд иштироксиз амалга оширилиши мумкин.

Бунда қоида бузиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб уч кун муддатда Корхонанинг қарорига эътиroz билдириган Истеъмолчининг аризаси кўриб чиқилади.

Қайта ҳисобланган Энергия сарфи асосида Корхона З иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча ҳисоб-фактура ёзиб беради, ҳамда хизмат кўрсатувчи банкга тўлов талабномаси юборади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани қонун асосида мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

#### **IV. ЭНЕРГИЯНИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ**

4.1 Ягона электр энергетика тизимида Энергия(Кувват) танқислиги юзага келган ҳолда, чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари асосида Энергия(Кувват) истеъмоли бўйича чеклашлар қонунда белгиланган тартибда киритилади.

4.2 Электр тармоқлари обьектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик қечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни олдиндан огохлантирасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.4 “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”ни бузганлиги учун тармоқдан ажратилган Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоғига қайтадан улаш ва Энергияни етказиб бериш Истеъмолчи томонидан “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” бузилган ҳолатлари бартараф этилгандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2011 йил 16 августда 2255-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган тўловлар тўлангандан сўнг, ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган микдорда етказиб берилишини талаб қилиш;
- в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларига жавоб берини талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоқлари обьектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли микдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда, жорий ой тугашидан камида 10 кун аввал берилган талабнома асосида Энергиянинг шартномавий микдорини ўзgartiriшни талаб қилиш;
- е) олдиндан ҳақ тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш юзасидан ўзgartiriшни талаб қилиш;
- ж). Корхона томонидан Энергия тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган энергия етказиб

берилганлиги сабабли етказилган заарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш.

### 5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергия (Кувват) учун мажбурий олдиндан тўловларни ва якуний ҳисоб-китобларни шартномада белгиланган муддат ва миқдорларда амалга ошириш;

в) Электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини ва “Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидалари”га риоя қилиниши, ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмаларининг ишлаш режимига (реактив Энергия ва Кувват истеъмоли) риоя қилиш;

д) энергетика тизимининг максимал юклама соатларида талаб этилган Кувват миқдорини оширмаслик.

е) йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин Энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

ж) келгуси йил учун Энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда Энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга Энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра куйидагиларни ҳисобга олиши ва натижалари хақида Корхонага хабар бериши шарт:

- истеъмол килинаётган Энергия(Кувват)нинг суткалик, ойлик сарфлари;
- ягона электр энергетика тизимининг максимал ва минимал юклама даврида реактив энергия(куват)нинг ҳар суткалик сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламасини ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

### 5.3 Корхонанинг ҳукуқлари:

а) Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган шартномавий мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш;

б) ҳисоб-китоб даврининг ҳохлаган кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солишириув далолатномасини тузишни талаб қилиш;

в) Қуйидаги ҳолларда Истеъмолчига Энергияни етказиб берилишини тұхтатиб қўйиш ва оқибатлари учун жавобгар бўлмасликга:

- Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- электр таъминоти шартномасини тузмасдан (узайтирмасдан) Энергия истеъмол қилинганда;
- “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда ёки ҳисобга олиш приборларининг қиёслаш муддати ўтиб кетганда;
- Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда тўловлар амалга оширилмаганда;
- Корхона тармоқларига Истеъмолчининг электр қабул қилгичлари ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;
- электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда ва/ёки ҳисобга олиш приборлари ўзбошимчалик билан жойидан кўчирилганда;
- Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда;

г) Реактив энергия ва қувват ўрни етарлича тўлдириласлиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) томонидан кўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан, қонун хужжатларида белгиланган тартибда, электр энергияси ва актив қувват исрофгарчилиги қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан кўшимча маблағ ундирилади.

#### 5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
- в) Истеъмолчига Энергияни етказиб беришнинг тұхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тұғрисида ёзма равища маълум қилиш;
- г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида ёзма равища хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузилишлари ҳақидаги аризаларини олинган қундан бошлаб 10 қундан кечиктирмай кўриб чиқиш, қоида бузилишларини бартараф этиш чораларини кўриш ва Истеъмолчига жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) имконияти бўлмаган тақдирда эса, бу ҳакда Истеъмолчига рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар бериш.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, Корхона шу туфайли етказилган заарнинг, Истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий заарнинг ўрнини қоплаши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоизидан ортиқ миқдорда етказиб берилмаган ҳолларда, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

6.3 Истеъмолчи етказиб берилган Энергия учун ўз вактида ҳақ тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорида, лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда шарти билан пеня тўлайди.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганданидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномавий миқдордан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, шартномавий миқдордан ортиқча истеъмол қилинган Энергия ҳажми учун амалдаги тарифнинг 50 фоизи миқдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Агар Энергиянинг ушбу шартномада белгиланган тегишли миқдори учун олдиндан ҳақ тўланган бўлса, Истеъмолчининг таклифига биноан ҳисоб-китоб даври тугашидан камида 10 кун олдин кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий миқдорларига киритилган ўзгартиришлар,

шартномада белгиланган микдордан кўп истеъмол қилинган Энергия сарфи деб ҳисобланмайди.

6.6 Корхона куйидаги ҳолларда Истеъмолчи олдида моддий жавобгар ҳисобланмайди:

- Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйиб ҳамда Корхона томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаганлиги натижасида баъзи суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилган ҳоллар юзага келса;

- захира манбанини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезлик ўчиришларнинг ишлаб кетиш вақтларида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келган ҳолларда.

6.7 Истеъмолчининг амалдаги юкламаси ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламали соатларида шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча қисми учун белгиланган тарифнинг 100 фоизи микдорида жарима ундирилади.

Кўшимча Кувватга ҳак тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш ҳукуқини бермайди.

6.8 Коидабузарлик учун электр тармоғидан узилган Истеъмолчи электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун Истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўловлар уни “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”ни бузилганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

## VII.ФОРС-МАЖОР

7.1 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошка табиий оғатлар)) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

8.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.2 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддатининг охирги ойида тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартериш ҳақида мурожаат қилмаса, у шартномада назарда тутилган

муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

8.3 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

8.4 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

8.5 Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

8.6 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофик, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради), бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазни ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31”декабрь 2017 йилгacha белгиланади.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда судда ҳал қилинади.

